

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

2017 йил "10" апрел

№- 015 -X

"Gurlan paxta tozalash" АЖ га

Аудиторлик ташкилотининг
почта манзили:
Барча хўжалик юритувчи субъект
ларда аудиторлик текшируви ўтказиш
ҳуқуқини берувчи лицензия номери:
Давлат рўйхатидан ўтганлиги
тўғрисида гувоҳнома:
Банк реквизитлари:

Тошкент шаҳар Алиев кўчаси 72-уй.
info@uhy-uz.com
№ 00596. Ўз.Р АВ томонидан 20 феврал
2008 йилда берилган

№ 243. Ўз.Р АВ томонидан 9 январ
2013 йилда берилган
Ҳ/Р 20 208 000 704 336 155 001 ОАИКБ
"Ипак йўли" Сағбон филиали. МФО 01036
ИНН 205082658. ОКЭД 69202

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Каримов Сарвархон Эсанович.

Мен, "UHY Tashkent" Аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Р. Ибрагимов (Ўз. Р АВ томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05428-сонли малака сертификати эга) томонидан 2017 йил 1 февралда тузилган 3-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект **"Gurlan paxta tozalash"** Акциядрлик Жамиятининг 2016 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботининг (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи) ишончлилиги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига муқофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Gurlan paxta tozalash"** А Ж нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади.


Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча **"Gurlan paxta tozalash"** Акциядрлик Жамиятининг 2016 йил 31 декабр ҳолати барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор :



Каримов С. Э.

Ибрагимов Х. Р.